

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 126-ҳадис

* Уроина фи "Схих Мслм" ен Аби Хрире Аиуа, Ан Рсол алл Слй алл елие Услм Кан йقول фи Сјоде: "اللهم اغفر لي ذنبي كله دقه وجله، وأوله وآخره، وعلا نيته وسره".

дقه وجله: Бксер Оулема, ومعناه: قليله وكثيره.

126/9. Яна Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам саждаларида:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي كُلَّهُ دِقَّةً وَجِلَّةً وَأَوَّلَهُ وَآخِرَهُ وَعَلَانِيَتَهُ وَسِرَّهُ

«Аллоҳуммағфирлий замбий куллаҳу, диққоҳу ва жиллаҳу ва аввалаҳу ва ахироҳу ва ʔаланийатаҳу ва сирроҳ»ни айтар эдилар.

(Маъноси: Эй Аллоҳим, гуноҳларимнинг ҳаммасини, озини ва кўпини, аввалгиси ва охиргисини, очикчасини ва махфийини кечир.)

Имом Муслим ривоятлари.

Агар имкони бўлса, юқоридаги зикр қилган дуоларимизнинг ҳаммасини жамлаб, битта саждада ўқиш мустаҳабдир. Аммо имкони бўлмаса, уч марта «Субҳана роббийал аъла», деса кифоя қилади.

Фасл: Тиловат саждасини қилганда, намоз саждасининг дуолари ўқилаверади. Уларга қўшимча қуйидаги дуони ўқиш мустаҳабдир:

اللَّهُمَّ اجْعَلْهَا لِي عِنْدَكَ ذُخْرًا وَأَعْظِمْ لِي بِهَا أَجْرًا وَضَعْ عَنِّي بِهَا وَزْرًا وَتَقَبَّلْهَا مِنِّي كَمَا تَقَبَّلْتَهَا مِنْ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ

«Аллоҳуммажъалҳа лий ғиндака зухрон ва аъзим лий биҳа ажрон ва зотъанний биҳа визрон ва тақоббалҳа минний кама тақоббалтаҳа мин Давуда ғалайҳиссалам».

(Маъноси: Эй Раббим, уни менга ҳузурингда захира қил, у сабабли ажримни кўпайтир, у туфайли гуноҳларни мендан кетказ, Довуд алайҳиссаломдан қабул қилганингдек, мендан ҳам қабул эт.)

* لقول النبي صلى الله عليه وسلم في الحديث في "صحيح مسلم": "أفضل

الصلاة طول القنوت".

ومعناه: القيام، ولأن ذكر القيام هو القرآن، وذكر السجود هو التسبيح،

والقرآن أفضل، فكان ما طول به أفضل.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисда:

"Намознинг афзали қиёмнинг узун бўлганидир", деганлар.

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI